O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№




# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2005-yil, 1-iyul • № 27 (3804)


## ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

***Президент Ислом Каримов 28-29 июн кунлари Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан амалий ташриф билан Москва шаҳрида бўлди.***

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг ташқи сиёсатида Россия Федерацияси билан муносабатларга алоҳида эътибор берилаётгани кўпчиликка яхши маълум. Россия ва Тошкентнинг дунёда кечаётган муҳим жараёнларга муносабатларида, икки томонлама манфаатли ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш истагида ўзаро муштараклик мавжуд. Зеро, бугун инсоният олдида турган энг муҳим, глобал муаммоларни фақатгина биргалашиб, бамаслаҳат ҳал этиш мумкин. Бир йил аввал Тошкентда имзоланган Ўзбекистон билан Россия ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги Шартнома эса ўзаро ҳамкорлик уфқларини янада кенгайтиришга замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг Москвага бу галги ташрифи чоғида ҳар икки мамлакат раҳбарлари савдо-иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маданий, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий алоқаларни атрофлича муҳокама этдилар. Томонлар ўзаро ҳамкорлик кўлами муттасил кенгайиб бораётганлигини, айни чоғда бу алоқаларни янги сифат босқичига кўтариш, ҳар икки томонда ҳам мавжуд имкониятлардан янада унумли фойдаланиш зарурлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари бугунги мураккаб вазиятда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик масалаларига алоҳида тўхталиб ўтдилар. Мамлакатимиз раҳбари шу йилнинг 13 майида Андижон шаҳрида содир этилган фожиали воқеалар хориждаги экстремистик марказлар томонидан тайёрланган операция эканлигини, унга МДҲ, шу жумладан, Марказий Осиё мамлакатларида содир бўлаётган жараёнлардан айри ҳодиса сифатида қараш мумкин эмаслигини таъкидлади. — Андижон воқеалари, МДҲ мамлакатларида уюштирилаётган турли «рангли инқилоб»лардан фарқли ўлароқ, мутлақо янги шакл ва қиёфада амалга оширилган мудҳиш фитнадир. Бу гал «сценарий муаллифлари» ва «режиссёрлар» «демократияпараст оломон»ни намойишга олиб чиқмади. Ўзбекистоннинг мустақил сиёсатини кўра олмайдиган, Марказий Осиёда вазиятни издан чиқариш ниятида бўлган бу «раҳнамолар» оломон ўрнига қўпорувчилик бўйича яхши тайёргарлик кўрган террорчи ва экстремистларни ишга солди, — деди Ислом Каримов.

Россия раҳбари Владимир Путин мамлакатимиз Президентининг Андижон воқеалари хорижда аввалдан пухта тайёрланганлиги тўғрисидаги фикрларини тасдиқлаб, ўша кунлари Афғонистонда жангариларнинг ҳаракатга тушиб қолгани ва айрим мамлакатлар чегаралари яқинида қўпорувчилар гуруҳлари кузатилганини, Россия махсус хизматлари бу ҳақда тегишли маълумотларга эга эканлигини таъкидлади.

Ново-Огарево учрашувида томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Президент Путин Ўзбекистонда бир неча қўшма лойиҳаларни амалга оширишдан Россия манфаатдор эканлигини таъкидлади. Чунки бу мамлакатнинг инвестиция маблағлари Ўзбекистон иқтисодиётига, жумладан, энергетика ва енгил саноат соҳаларига актив жалб этилмоқда.

Президентимизнинг Россия Федерациясига бу ташрифи мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги манфаатли алоқаларни янада кучайтириш имкониятларини очиб бериши шубҳасиздир.



*Бухоро, Минораи калон...* Р.ШАГАЕВ олган сурат.



## УМИД - ЁШЛАРДАН...

*Муносабат*

Яқинда Ўзбекистон ёшларининг спорт байрамини томоша қилиб ўтириб, кўзларим ёшланди. Бундан олтмиш йиллар муқаддам мен ҳам ана шу набира фарзандларим ёшида эдим. Спорт билан шуғулланиш қайда дейсиз, мактабда тўлиқ ўқиб келолсак — бу биз учун улкан байрам саналарди. Бизлар мана шундай кунларга зор эдик, ўқисак, илм ўргансак дердик. Лекин, шароит қани — улкан мамлакат урушдан эндигина чиққан, ҳали ўқиш тугул, қорин тўйғизишу тирик қолишнинг ўзи бир муаммо бўлиб турган давр эди... Ҳа, ўша йилларда қорни нонга тўймай, уруш учун, ғалаба учун ишлаб, жони савил кетган қорақалпоқ ёшлари оз эмасди. Мен ўзим ҳам юқори синфда ўқирдим, ҳам кичик синфларга адабиёт, тил, тарих, географиядан сабоқ берардим. Шунинг орасида уй ишлари, овулдаги, даладаги ишлар...

Бугун муҳташам ўйингоҳларимиз мустақил Ўзбекистон болаларининг шодон қийқириғига, дўстлик, озодлик, мустақиллик ҳақидаги қўйларига тўлиб-тошиб бораётир. Спорт байрамларида барча вилоятлар, туманлар, шаҳарларнинг касб-ҳунар коллежи ўқувчилари ўзаро куч синашаётир, бир-бирлари билан дўстлашаётир, шодумон ёшлик, беғубор болалик нашидаси ила яшнаб-яйраб, Ватанга керакли фарзанд бўлишга аҳд қилишаётир...

Давоми иккинчи бетда.

## ТЎРТИНЧИ БЎЛИШ ОСОНМАС

***Мамлакатимизда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни кенг нишонланди. Байрам муносабати билан Президентимиз йўллаган табрик, ҳар галгидек, барча касбдошларимизни, устоз журналистларни ҳам бениҳоя руҳлантириб юборди. Чунки унда журналистика дунёдаги энг машаққатли, масъулиятли касблардан бири сифатида эътироф этилади, унинг асосий ўлчов ва мезонлари ифодаси билан бирга бугунги мураккаб дунёнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва нуфузига алоҳида эътибор берилади.***

Шиддатли суръатлар билан ўзгариб бораётган бугунги глобаллашув замонида ҳаётимиз тараққиётига — бу ишлаб чиқариш ёки ижтимоий соҳалар бўладими, одамларимизнинг давлатга, жамиятга ва ўзаро муносабатлари бўладими, янгилик ва ўзгаришлардан ўз вақтида хабардор бўлиш, қолаверса, жамоатчилик фикрини шакллантириш бўладими — буларнинг барчасини оммавий ахборот воситалари фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди, — дейилади табрикда.

Бугун мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини эркинлаштириш, матбуотнинг чин маънода эркин ва ҳур фикр минбари бўлишига эришиш борасида кўп ишлар қилинмоқда. Ўзбекистон Миллий университети қошида икки йиллик Олий журналистика курсининг ташкил этилиши, матбуот ходимлари фаолиятини ҳар жиҳатдан рағбатлантириш, уларнинг Ватан равнақи, миллат саодати йўлидаги машаққатли меҳнатларини янада муносиб қадрлаш борасида амалий чора-тадбирлар белгиланаётгани фикримизга далил бўла олади.

Журналистика ҳозирги шароитда ҳар қачонгидан ҳам фаол бўлиши керак. Матбуот воқеа-ҳодисалар ривожини аввалдан кўра билиши, жамиятни яқинлашиб келаётган хавф-хатардан вақтида огоҳ этиши зарур. Бусиз у «тўртинчи ҳокимият» деб аталмиш юксак мақомга муносиб бўла олмайди.

Лекин матбуотнинг ҳаётий муаммоларга фаол аралашуви таассуфки, ҳаммага ҳам ёқавермайди. Яқинда бир ёш раҳбар «Адабиёт газетаси табиатни, атроф-муҳитни асраб-авайлаш муаммоларини ўрганишдан кўра адабий-бадиий муаммолар талқини билан чегараланса яхши эмасми», дегандай мулоҳаза билдирди. Бундай асоссиз, чекланган нуқтаи назар аҳён-аҳёнда бўлса-да, юзага қалқиб туришини инобатга олсак, Президентимиз табригида келтирилган ушбу сўзларнинг аҳамияти янада ортади: «Журналист барча касб ва ҳунарларнинг ўзига хос хусусиятларидан, ташқи ва ички сиёсат, иқтисодиёт ёки суд-ҳуқуқ соҳаси, маданият ёки тиббиёт оламида рўй бераётган, бир сўз билан айтганда, ҳаётда кечаётган кўп қиррали ижтимоий жараёнлардан ҳар томонлама хабардор бўлиши, ўқувчилар ва кенг жамоатчиликни қизиқтирадиган долзарб ва устивор масалаларнинг негизига етиб боришга қодир бўлиши лозим».

Матбуот олдига бундай катта талабнинг қўйилишини бугунги мураккаб дунёнинг ўзи тақозо этмоқда. Ҳар бир соҳанинг ўзига яраша ютуқ ва камчиликлари, муаммолари бор. Улар тўғрисида мушоҳада юритиш учун журналист ўзи танлаган, ўрганаётган ва қаламга олаётган мавзуни чуқур ўрганиши, кўпдан-кўп рақамлар, кўрсаткичлар, жадваллар ичига яширинган реал ҳолатни аниқлай олиши ва, баҳо беришга келганда, холис ва адолатли бўлиши лозим. Чунки, журналистни, у орқали жамоатчиликни чалғитишга, камчиликларни яшириб, оддий кундалик юмушларни, ўтказилган ҳар бир тадбирни, қабул қилинган ҳар бир қарорни улкан ютуқ сифатида олдингизга тўкиб ташлайдиган, танқид шабадаси бироз эсгудек бўлса ҳаловатини йўқотиб, жазавага тушадиган, иложи бўлса, мухбир билан «келишишга» ҳаракат қиладиган, гапга кўнмай қайсарлик қилса, орқасидан миш-миш тарқатадиганлар ҳам йўқ эмас. Журналист ҳаловатини бузиб, оромидан кечиб, кўзининг нурини тўкиб, яхши ишлар янада кўпайсин, ҳаётимиз фаровон бўлсин, нуқсонлар камайсин, дея бонг ураётгани билан уларнинг иши йўқ. Шу маънода Президентимизнинг мана бу фикрлари айниқса муҳимдир: «Албатта, ҳар қандай журналист шу касбни танлар экан, ўз фаолияти давомида учрайдиган турли қийинчилик ва синовларни тасаввур қилиши, уларни енгиб ўтишга тайёр бўлиши керак. Ўткир қалами, ҳаққоний сўзи билан матбуот соҳасига кўп хизматлари сингган оқсоқол журналистларимиз ҳаёти мисолида уларнинг ўз бурчини адо этишда баъзан қандай тўсиқларга, танқид ва тазйиқларга дуч келгани, адолат ҳимояси учун гоҳида ҳаловатдан воз кечиб, ҳатто тақдири хавф остида қолганини ҳам яхши биламиз. Кимгадир ёқадими-йўқми, лекин бу — ҳаётнинг аччиқ бир ҳақиқати».

Бугунги дунёни бемалол манфаатлар майдони деб ҳам аташ мумкин. Чунки ҳар бир давлат дунёнинг ҳар чорраҳасидан ўз манфаатини ахтаради ва кўп ҳолларда турли минтақаларда ана шу турфа хил манфаатлар ўзаро тўқнашиб қолади. Бундай пайтда энг синалган усул, яъни матбуотдан, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Жамоатчилик эътиборини матбуот сўзи орқали ўз фойдаларига оғдиришга уринадилар. Баъзи ҳолларда бунга эришадилар ҳам. Бундай пайтда матбуот ўз йўлидан чалғиб кетиб, табрикда айтилганидек, турли сиёсий кучларнинг ғаразли мақсадларига хизмат қилувчи мафкуравий таъсир қуролига айланиб қолиши ҳам мумкин.

Биз бундай хуружларни яқинда Андижон шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари атрофида баъзи хорижий оммавий ахборот воситалари томонидан кўтарилган сохта шов-шувлар, бўҳтон ва уйдирмалар мисолида ўз бошимиздан кечирдик, — дейди Президент Ислом Каримов. — Шу ўринда яна бир бор айтиш керакки, аниқ бир марказ тарафидан ташкил этилган ва бошқарилган бу каби ахборот таҳдидлари мамлакатимизга четдан туриб таъсир ва тазйиқ кўрсатишга, бизни ўз танлаган йўлимиздан қайтаришга уринишдан бошқа нарса эмас.

Матбуот сўзининг холис ва адолатли бўлишига эришиш, ҳар қандай вазиятда ҳам танлаган касбимизга садоқатли бўлиб қолиш — бугунги куннинг энг муҳим талаби эканлигини Андижон воқеалари яна бир бор кўрсатди. Бу талабга қатъий риоя қилиш масъулияти ҳар биримизнинг зиммамиздадир.

100 000 СЎМ
3 → ЎЗИМИЗГА ҚОЛДИ, ҲОЗИРЧА...

## САЁЗ ФИЛМЛАР БАҲОНАСИ...

*Акс-садо*

*«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг ўтган сонларидан бирида чоп этилган журналист Г.Умарованинг «Дидни бузишга ҳаққимиз борми?» сарлавҳали мақоласи мени ҳам кино санъати доирасида мушоҳада юритишга ундади.*

*Очиғи, илгари кино санъатида биз Ҳиндистон давлатига ҳайрат ва қизиқиш билан қараган бўлсак, ҳозир ўзимизда ҳам кино ишлаб чиқариш у қадар мушкул бўлмай қолди. Чунки ҳар ой киностудияларда янги филмларнинг қўйиб борилиши бугунги куннинг оддий ҳодисасидир. Албатта, сон жиҳатдан бундайин жадалликни ижобий ҳолга йўйса бўлади, бироқ сифат-чи?*

*Айни дамда кўплаб эътирозу танқидларга учраётган киноасарларнинг муаллифлари уларга жавобан «Биз ёшларбоп кинолар яратяпмиз» деган хулосани ўзларига дастак қилиб олганликларини кўриб, гоҳида ўйланиб қоласан. Хўш, улар чиндан ҳам ёшларнинг маънавий эҳтиёжини қондира оладиган филмлар яратишяптими? Келинг, шу ўринда айрим ёшларимизнинг сўзларига қулоқ тутайлик.*

**Малоҳат Саломова, талаба:**

— Ҳозирги филмлардаги такрорийликни ёқтирмайман. Чунончи, яқинда томоша қилганим «Севинч» филми худди Корея сериалининг ўзбекча вариантига ўхшайди. Бундай тақлидчиликдан кўра, кино ижодкорлари ўзбекистонлик оддий талабалар ҳаётидаги қувонч-ташвишларни ёритишса, воқеалар реал акс эттирилган бўларди, назаримда.

**Лазиз Нарзиев, талаба:**

— Биласизми, мени бугун актёрлик бўлимини тамомлаб чиқаётган иқтидорли тенгдошларимизнинг эртага кино санъатида қандай ўрни бўлиши ўйлантиради. Чунки хонандаларимиз гўё ўзбек эстрадасида қойилмақом иш қилиб қўйгандек, ўзларини киного уриб ётишибди. Хайриятки, эстрада хонандалари ҳозирча театрларимизга кириб келишгани йўқ...

**Зоҳиджон Холов, талаба:**

— «Муҳаббат синовлари» филми кўпгина шов-шувларга сабаб бўлди. Шунинг учун филмни алоҳида эътибор билан томоша қилдим. Афсуски, таъбни хира қиладиган деталлари кўп экан. Кино бошланишида машҳур ўзбек актрисаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Клара Жалилова кўринади ва кейин умуман қорасини кўрсатмайди?! Бу эпизодик рол бор-йўғи таксичи (Абдурайим Абдуваҳобов)нинг кундалик ишини кўрсатиш учун олинган кадр экан! Наҳотки! Бу эпизод дейишга ҳам арзимайдиган ролни бирор-бир ҳаваскор ўйнаса ҳам бўлади-ку! Бош қаҳрамонлар образлари эса аксарият кино санъати учун ҳали «ҳаваскор» даражасида бўлган одамларга берилган.

Самандар Ҳамроқулов қаҳрамонига образ характери нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, унинг шу қадар «мажнунона» севиб қолиши мутлақо ишончсиз. Алломаларда шундай гап бор: «Инсоннинг ташқи кўринишини бутунлай ўзгартириш мумкин, бироқ унинг характерини сира ўзгартириб бўлмайди». Қизларни ўйинчоқ қилиб, дуч келган «парирухсорга» «севги» изҳор этиб, учрашувга таклиф этиб юрадиган шоввознинг... бутунлай бошқа одамга айланиши учун ҳатто Қайсдан ўтказиб севиш ҳам камлик қилади. Одатда, ҳаётда кўп бора кузатганмиз, ҳар қандай қувноқ одамни биргина оғир мусибат букиб, бошқа инсонга айлантириб қўяди. Лекин йигит шунга яраша қийинчилик кўргани йўқ, яшаши ҳам ёмон эмас...

Университетда ташкилотчи бўлган йигитнинг беш-олти кишидан олинган бир неча минг сўмлар эвазига «Сетора» гуруҳини олиб келиши ҳам кулгили.

Бу мелодрамада ўзбек адабий тилига мутлақо риоя қилинмаган. Шаҳар болаларининг ўзаро сўзлашув услубидан тузилган саёз диалоглар кўнгилни айнитади. Пулни талабалар эмас, балки ўғрилик билан шуғулланувчи гуруҳлар «соққа» дейиши мумкин. «Тўчний»си нимаси... бу хил жаргон сўзларни кино давомида кўплаб эшитамиз. Она тилимизга катта эътибор қаратилаётган бир даврда миллионлаб одамлар томоша қиладиган филмда ажнабий тил сўзларини аралаштиришни қандай тушуниш керак?! Филмдаги бу каби чалакам-чатти сўзлашув услубидан ҳали оқ-қоранинг фарқига тўлиқ етиб улгурмаган ёшлар андоза олмайди деб ким кафолат бера олади?!

Ахир, филм экранга ўз-ўзидан чиқиб қолмагандир, бирор мутасадди ташкилот унинг намойиш этилишига рухсат берган-ку! Демак, асарда «нимадир бор», деганга ўхшаш эътироз бўлиши мумкин. Йўқ, бу эътироз шунчаки бир тасалли. Билингки, тасалли ўз-ўзини алдаш дегани. Ўша «мутасадди»лар ким ўзи? Шу ҳақда ўйлаб кўриш керак...

*Кўриниб турибдики, ҳадеб ёшларни рўкач қилиб, саёз ва бўш асарларни ёшларбоп филмлар деб атайвериш ҳар доим ҳам ўзини оқламас экан. Бу билан биз қанча маблағ ва вақт эвазига асар яратганларнинг меҳнатларини ерга урмоқчи эмасмиз. Истагимиз, ўзбек филмлари аввало халқнинг маънавиятини юксалтиришга, ҳеч бўлмаганда, эстетик ҳордиқ чиқаришга хизмат қилсин.*

**Наргиза АСАТОВА тайёрлади**

***Гиёҳванд фақат ўз умрини эмас, балки, авлодлари ҳаётини ҳам хароб қилади. Бу иллат таъсирига тушиб қолганлар, энг аввало, шахс сифатида синади. Ҳаётга, ўз яқинларига бефарқ бўлиб қолади...***

Анча вақт олдин, газетада «Ажал сиртмоғи ёхуд гиёҳвандлар фожиаси» («ЎзАС» 04.10.12.) деб номланган мақолани ўқиган эдим. Яқинда Бухоро вилоятлараро болалар уйида бўлганимда ёдимга ўша мақола тушди. Чунки бу ердаги тарбияланувчиларнинг аксарияти гиёҳвандларнинг зурриёдлари эди.

Уларга қараб эзилиб кетади киши. Бу норасидалар ота-оналари қилган гуноҳ мевалари бўлиб дунёга келган. Яъни ота-онанинг касофати зурриёдига урган. Улар ақли заиф, бир

*Акс-садо*

## ҲАЛОКАТГА БОШЛОВЧИ ИЛЛАТ

кўзли, бир оёқли ёки бир қўли йўқлар...

... Гиёҳвандлик ҳамма нарсани, ҳаттоки келажакни ҳам барбод этувчи иллат. Унинг домига тушиб қолишдан худонинг ўзи асрасин. Гиёҳвандликка дучор бўлган одам жамият учун хавфли шахсга айланади. Уларнинг дастидан энг аввало ўз оиласи азият чекади.

Гиёҳванд моддалар фақат инсон соғлиғигагина эмас, балки унинг ирсиятига, ДНКсига ҳам таъсир қилади. Бу эса инсон зурриёдининг ҳар хил мутациялар билан, яъни ногирон бўлиб туғилишига олиб келади. Гиёҳванд нафақат ўз умрини, балки келажак авлодни ҳам заҳарлайди.

Гиёҳвандликка муккасидан кетган шахслардан келажакда нуқсонли болалар дунёга келади. Бунинг мисолини юқорида айтиб ўтдик.

Таъбир жоиз бўлса, гиёҳвандликка қарши кураш — миллат келажагини асрашдир. Болаларимизни ёшликдан гиёҳвандликка қарши кураш руҳида тарбиялашимиз лозим. Шунда биз нафақат келажак авлод, балки миллат ирсиятини бу офатдан асраган бўламиз.

**Нигина ХЎЖАЕВА,**
**Саломатлик институти, Бухоро филиали оналик ва болалик бўлимининг мудираси**

## ЭЪЛОН!

*Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-ижодий маркази*

***Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг Мусиқа дирекцияси ҳамкорлигида***

*2005 йил 8-9 июл кунлари Тошкент шаҳрида*

**ЛАПАР ВА ЎЛАН ИЖРОЧИЛАРИНИНГ БИРИНЧИ РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ФЕСТИВАЛИНИ ўтказади**

*Фестивал 8 июл куни соат 11 да Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театрида бошланади.*

**ФЕСТИВАЛ ҒОЛИБЛАРИНИНГ ЯКУНЛОВЧИ КОНЦЕРТИ ВА УЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ 9 июл куни соат 17.00 да Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтади.**

Фестивалга марҳамат, азиз санъат ихлосмандлари!

## АҚЧАКЎЛ СОҲИЛИГА — ҚЎШИҚ ВА ШЕЪР БАЙРАМИГА МАРҲАБО!

***Отажон Худойшукуров номидаги жамғарма Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 14 йиллиги олдидан 2005 йил 11-12 август кунлари Қорақалпоғистон Республикаси Бўстон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ёш хонандаларнинг IV республика танлови ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси, «Халқ сўзи» — «Народное слово» газеталари билан биргаликда ёш шоирларнинг «Ақчакўл илҳомлари» III республика анжуманини ўтказади.***

Тадбир доирасида ёш хонандаларга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Отаназар Матёқубов, Ўзбекистон халқ артистлари Байрам Матчонов, Олмахон Ҳайитова, Ортиқ Отажонов, Бобомурод Ҳамдамов, Гулпаршин Сиримбетова, Мирзагул Сафоева, Ўзбекистон халқ ҳофизлари Маҳмуджон Тожибоев, Фарҳод Давлатов, таниқли хонандалар Раҳматжон Қурбонов, Озод Ибрагимов, Матназар Худойназаров ва бошқаларнинг, ёш ижодкорларга Ўзбекистон Қаҳрамонлари Абдулла Орипов, Ибройим Юсупов, таниқли шоирлар Жуманиёз Жабборов, Омон Матчон, Усмон Азим, Сирожиддин Саййид, Ошиқ Эркин, Гулистон Матёқубова, Матназар Абдулҳаким, Халилла Давлетназаров ва бошқаларнинг маҳорат ва тажриба сабоқлари бериши кўзда тутилмоқда.

Тадбирларда иштирок этишни хоҳловчилар тегишли ҳужжатларни 2005 йил 20 июлгача Элликқалъа тумани ҳокимлиги биносида жойлашган ташкилий қўмита (743004, Элликқалъа тумани, Бўстон шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 1-уй, телефонлар: 585-28-28, 585-13-20, 585-15-12, 585-19-00) ёки Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг ахборот марказига (700129, Тошкент шаҳри Навоий кўчаси, 30-уй, телефон 144-31-90), Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаларига топширишлари лозим.

**ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА**

Даврон РАЖАБ

# СЕН ЭНТИКИБ КУТГАН ҚЎШИҚЛАР...



*Хаёлинг-ла яшадим фақат*
*Сенсиз кўзларингга термулиб*
*Кўзларимга зор эмас эдим*
*Сенинг кўзларингда яшадим.*

*Сен кетганда йўқотиб бўлдим*
*Телбалигим қолди ялонғоч*
*Гуллар эдим сирларимга мен*
*Мева ейди энди бошқалар.*

* * *

*Қушлар ин қуради хаёлларимга*
*Ўсишни истамас ЛЕКИН бу дарахт*
*ЧУНКИ кўкрагида бордир полапон*

*Бу қуш осмон нелигин билмас*
*Унга барибирдир... Осмон билан ер*

*Қушлар ин қуради хаёлларимга*
*Руҳимга қараб ўсмоқда шохлар*

*Полапон тезроқ уч*
*Тезроқ қочиб қол*

*Йиқилиб кетасан ахир*
*Юрагимнинг тубсиз жарига.*

* * *

*Умидим дарёни кўрмоқ*
*Ҳаммасини йиғлаш шарт эмас*

*Фотиҳага қўл очган каби*
*Бир ҳовуч сув ичмоқчи бўлиб*
*Соҳилга етсам бас*

*Сен илондек кузат мени*
*Ҳаёт*
*Дунёни бир ҳўплаб ичишимни кўр!*

* * *

*Қушдай уйқуга кетасан*
*Қанотинг борлиги*
*Ёдингга тушса*
*Юрагинг шувв этиб кетар*
*Бироқ*
*Эсламайсан*
*Қушдай уйқуга кетасан*
*Тошга айланасан уйғонаётиб*
*Уйғонмайсан*
*Тошдан ажратиб олсалар-да*
*Жисминг гўё ухлаётган одам ҳайкали*
*Эсламайсан*
*Қушдай*
*уйқуга кетганингни.*

* * *

*Осмон тасвирида юлдузлар — оҳанг*
*Милтираб товушлар ўзгарадилар...*
*Етиб келмагандир — ҳамон олисда,*
*Сен энтикиб кутган қўшиқлар...*

*Сен кутган бахт олдинда ҳамон:*
*Осмон...*
*Тасвир...*
*Юлдузлар...*
*Оҳанг...*

* * *

*Соат миллари тўкилиб кетди,*
*Энди англаб бўлмас —*
*Ўтаётган лаҳзани...*

*Рақамли ҳаётдан айрилиб,*
*Фаҳмлашга эринаман кунларни.*

*Вақт дарахтидан*
*Олмадек узилди бир лаҳза —*
*Сониялик оқимига тескари товуш...*

*Қайтариб бермоқчи бўламан вақтни,*
*Ҳукм бўлмас ҳеч.*

* * *

*Мени кимдир*
*Севиб қолган бўлса керак,*
*Йўқса,*
*Бунча яшамас эдим —*
*Кўзларимда қолган излари.*

*Кимдир кўзларимда қолдирибди изларини*
*Мен ношуд,*
*Тирикман кўзимдаги муҳаббат билан —*
*Энди уни қайтариш малол!*

*Билмайман,*
*Яхшилик қиляпманми*
*Ёки ёмонлик —*
*Тирикман.*

*Билмайман,*
*Шу севгининг соҳиби бўлиб,*
*Оёғимда юрибман ҳамон!*

**«Бизга ҳар хил ва яхши шоирлар керак». Владимир Маяковскийнинг бу сўзлари ҳамиша айни замонда айтилгандек жаранглайди. XX асрда ҳам, худди улуғ Навоий давридагидек, ҳар хил ва яхши шоирлар бисёр бўлди. Ўтган асрда буюк миллий шеърият яратилди. (Бу шеъриятнинг ҳали адабиётшуносларимиз томонидан кашф этиб берилмаганлиги эса — бошқа масала!) Ана шу бой ва теран мазмунли шеърият тараққиётига истеъдод даражалари турлича бўлган юзлаб, минглаб шоиру шоиралар баҳоли қудрат ўз ҳиссаларини қўшдилар. Шу қаламкашлар сафида ўз даврида дилбар шеърлари, «Наъматак» достони билан камтарона ҳисса қўшиб, шеър мухлислари эътиборини қозонган Хайриддин Салоҳ ҳам бор эди. Хайриддин аканинг энг яхши шеърлари ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотган эмас...**

**ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК БЎЛИМИ**

Хайриддин САЛОҲ

# ЖАМБИЛ ТЕРАР ЭДИМ БОЛАЛИГИМДА...

*ДЎСТЛАР ДАВРАСИДА*

Дўстсиз яшаш мушкул экан англадим,
Дўсти йўқ одамдан буткул айнадим.
Танҳо қолган чоғлар гўё зангладим,
Дўстлар даврасида тошдим, қайнадим.

Дўстларим, келингиз, боримни қўяй,
Камига қарздорман, буёғи узр!
Эзгу ниятингиз оламга ёйй,
Базми суҳбатингиз бахш этсин ҳузур.

Майлига, эшигим ҳалқасин қоқиб
Ҳар куни келингиз, бўлса иложи.
Сизсиз — борлиқ мени қилгандек таъқиб,
Сизсиз — ишимнинг ҳам бўлмас ривожи.

Сизсиз — шан кулбамнинг чироғи ўчиқ,
Чироғсиз кулбанинг бир пулдир нархи.
Сизсиз юрагимдан оқмайди қўшиқ,
Қўшиқсиз юракнинг тошдан не фарқи?

Сизлар билан яшаш йўлин танладим,
Хилватда кезишдан буткул айнадим.
Танҳо қолган чоғлар гўё зангладим.
Дўстлар даврасида тошдим, қайнадим.

*ОШИЁН*

Қалдирғоч одамга яқин бўлай деб
Айвонга ин қурар бериб ортиқ зеб.

Тонг билан тушсин деб рақс, мақомга
Кабутар токчаси қурилар томга.

Болаларим етсин дея воягa
Бургут ошён ясар баланд қояга.

Менинг шу бургутга келади рашким!

*ЯККАЧЎП*

Раҳмат сенга, раҳмат яккачўп,
Кўприклардан ҳеч фарқ қилмадинг,
Ўтган чоғда сендан мен, маҳбуб,
Тўлқинларга, йўқ, ғарқ қилмадинг.

Болаликда кўрганман сени,
Ўзинг унча эмасдинг улкан.
Аммо бизнинг тоғдай севгини
Билмам, қандай кўтарди елканг?!

Дилдор икков ошиб тоғ, довон
Йўл босармиз ҳали анча кўп.
Ўшанда ҳам сени ҳеч қачон
Унутмасмиз асло яккачўп!

* * *

Ношукурми деймаn одамзот,
Гўдакликда шу ўйлагани:
— Тез улғайсам, катта бўлсам бот,
Кексаларга қўшилсам қани!

Умр кўриб яхшими-ёмон,
Қоттанида суяги-тани,
Юрагида шу бўлар армон:
— Қайта бошдан ёшарсам қани!

* * *

Юксакда қўш қайин ўсмиш теппа-тенг,
Бу балки чин дилдан севишганидан.
Ва ёки кўп йиллик айриликдан сўнг
Бир-бири-ла қайта қовушганидан.

*Яшаётган сатрлар*

Бўронлар қилолмас уларга ҳужум,
Ажрата олмайди довул ҳам, ел ҳам.
Шу қўш қайин янглиғ бизнинг ҳам гулим,
Орамиздан ўтмас қил ҳам!..

* * *

Арғумоқдан ўтмоқ бўлар арғумоқ,
Ирмоқдан ошмоқчи бўлади ирмоқ,
Сойлар бар тутқазмай чопади сойга,
Ҳар ерда пойга...

* * *

Ўралиб оқ кўрпага
Ётар боғлар-боғчалар.
Қишни куйлашни манга
Ўргатади зоғчалар.

Қалбим тепиб тўлқинда
Ёз ҳақида соз чалар.
Ёзни куйлашни мендан
Ўрганади зоғчалар.

* * *

Хайриятки тушди энгилдан
Чопон, телпак — қиш кийимлари.
Хўмрайгандек чекка-чеккадан
Онда-сонда қор уюмлари,

Эрта-индин гуркирар ҳаёт
Қуёш ўти ёқилганида.
Бинафшахон ўзида йўқ шод
Чаккага илк тақилганидан.

* * *

Жамбил терар эдим болалигимда,
Кўп гуллардан уни кўрардим афзал.
Йўлимда ётса-да лола, гулсафсар...
Жамбил терар эдим болалигимда.

Онам қувласа ҳам боғдан «ҳай-ҳай»лаб,
Саралаб терардим, қилардим боғлам.
Гўё жамбил билан гўзалдир олам,
Бағримга босардим уни авайлаб.

Турна қатор ўтиб кетса ҳам йиллар
Гулга шайдолигим тугамас ҳануз.
Қайдасиз, мен терган даста жамбиллар,
Қайдасан, жамбилдай дилбар қўшни қиз?

ҲИКОЯ

Алишер ФАЙЗ

# ПУЛ САНАШ

Маргарита Зя пул санашни яхши кўрарди. Бу машғулот уни овутар ва айни пайтда ҳаяжонга соларди. Айниқса, қалин пул боғламларининг ҳузури бошқача эди. Аслини олганда, пулнинг қанақалиги аҳамиятсиз — миллий пулми ёки хорижнинг пулими, йирик ёки майда пулми, барибир эди. Лекин бир сафар ўгай акасининг юздолларлик пулларни уч бор қайта санагани тез-тез ёдига тушиб туради. Оҳ, шунда қандай лаззат олган эди-я! Бу ўн дақиқача давом этди, чамаси. Маргарита, бор дунёни буткул унутиб, осмону фалакка павоз қилди.

У бирор банк ёки идорада ҳисобчи бўлишни хаёлига ҳам келтирмасди. Ўқитувчилик қиларди ва тақдиридан нолиб гапирмасди. Бироқ ўзиники бўладими ё бегонаникими, пул санашга, қайта-қайта санаб кўришга ҳар доим, ҳар жойда шай эди. Баъзан Зя тушида пул санар, лекин, ҳайратга соладигани, тушида бу машғулот ҳар доим ҳам ёқимли бўлмасди. Бир сафар пуллар қўлига чиппа ёпишиб қолди, Маргарита улардан ҳеч қутулолмади. У гир айланар, қўлларини силкитиб уларни юлқиб туширмоқчи бўлар, лекин пуллар аксинча бадтар терисига бирикиб, сингишиб кетарди. Бошқа бир қўрқинчли туш ҳам кўрган эди: қоғоз пулларнинг катта тўдаси навбатга туриб, Зянинг қайта санашини кутарди. Пуллар уни санашга рози бўлишга, ундаб ялинишди. «Илтимос қиламиз, бизни бир санганг!» — деб қичқиришарди улар ночор аҳволда. Маргарита ортиқ чидаб туролмаслигини яхши билсада, анча вақт қаршилик қилди. Ниҳоят, санашни бошлади. Дастлаб бу унга ёқди, лекин пуллар келаверди-келаверди, уларнинг кети кўринмасди. Ораларидаги сурбетлари: «Мени сананг, мени сананг», — дея навбатга қарамай тиқилинч қиларди. Маргарита пуллардан қочиб, қаергадир беркинишга мажбур бўлди, лекин улар етиб келишиб қуршаб олишар, ҳар тарафдан суқилишиб, уни санашга, қайта-қайта санаб чиқишга мажбур қилишарди...

Бугунги кун эрталабдан яхши бўлди, Лондонда майнинг одатдаги ҳавоси ҳукм сурарди. Ҳаво тоза, ёмғир ора-сира томчилаб ўзини эслатиб қўяр, бироқ инжиқлик қилмасди.

Зя ишлайдиган мактаб уйига яқин жойда эди. Маргарита одатдагидай ишга пиёда кетди. Йўл яшил ўриндиқлар ўрнатиб қўйилган чоғроқ боғ ичидан ўтарди. Ўриндиқлардан бирининг ёнидан шундоқ ўтаётиб, Маргарита туйқусдан ерда ётган, елим қоғозга ўроғлиқ бир даста... пулни кўриб қолди. Аввалига кўзларига ишонмади — Лондоннинг қоқ марказидаги боғда бунча пул нима қилсин? Лекин, яқинроқ келиб қўлига олганидан сўнг, пулларнинг ҳақиқийлигига, яъни яп-янги юздолларликлар эканига ишонч ҳосил қилди. Қалин бир даста юзталиклар!

Вақт эрталабки саккизу ўттиз эди, дарс бошланишига ярим соат бор, лекин болаларни рўйхатдан ўтказишгача ўн минут қолган. Нима қилсин — полицияни чақирсинми, йўловчиларга қичқирсинми? Балки пулларни шу орадаги, яқинроқдаги... Бироқ у бир қарорга келолмасди. Ё уйга элтсинми? Ёки мактабга олиб боргани маъқулми? Кейин бамайлихотир газетага эълон берар? Балки уларни шу ерга ташлаб кетар? Атрофда ҳеч ким кўринмас, онда-сонда узоқдан йўловчиларнинг қораси кўзга чалинар, Маргаританинг бошида эса фикрлар ғужғон ўйнарди.

У кўзини сирли бир даста пулга қадаганча, қоқилган қозиқдай



турган жойида қаққайиб турарди. Афтидан, беш ёки етти дақиқача ўтди, эҳтимол, кўпроқдир. Ёнидан ўтиб кетган икки-уч одам унга эътибор беришмади.

Бу ерда қанча пул бор экан? Қанийди бир санаб кўрса. Иложи борми? Ана ўриндиқ. Санагани — ўзиники қилиб олди, дегани эмас-ку. Санаганда шиқирлайдиган юздолларликлар, бундай яп-янги гард юқмаган қоғоз пулларни ҳали ҳеч қачон унинг қўли кўрмаган. Санаса, ўзиям, роса жазавага солса керак! Бир марта санайди, холос, кейин уларни ётган жойида қолдиради ёки полиция бўлимига олиб боради. Мактабчи? Ҳеч қиси йўқ, шунча вақт ишлаб ҳали бирор марта ишга кеч қолмаган, бугунги майда қоидабузарликни амаллаб тушунтирса бўлади. Шу йил Зя Миддлесекс графлигида энг яхши математика ўқитувчиси деб тан олинган, мактаб маъмурияти ҳам унинг қадрига етади.

Марагарита ўриндиққа ўтирди, елим қоғозни очиб пулларни олдида, атрофга бир ўгирилиб қараб, санашга тушди. Бу ақл бовар қилмайдиган қандайдир бир ғаройиб машғулот эди. Ўта мароқли, ҳайратланарли, Швейцария шоколадидан ёки ҳатто Вивалди мусиқасидан-да ширин эди. Пулларнинг шитирлаши худди севимли бастакорининг Allegroсидай Зянинг жонига ҳузур бағишларди. Юздолларликлар 276 та экан, яъни 27600 америка доллари! Қарийб бир йиллик маоши унинг.

Нега энди 276 та? Эҳтимол, у адашгандир? Қайта санаш керак, бу, ахир, бегонанинг пули-я, хатога йўл қўйиб бўлмайди. Ўқувчилар бироз кутиб туришар. Қандай юпқа, нақадар нозик бу яп-янги пуллар. Хушбўйлиги-чи, хушбўйлигини айтмайсиз! Янги узилган сарҳил меваларнинг, денгиз ҳавосию француз атирларининг ҳиди қоришиб кетган.

Маргарита 58га келганда, майдончада ёшгина аёл боласи билан пайдо бўлди. Аёл бир даста пулни қўлида ушлаб турган Зяга қизиқсиниб тикилди. Роҳати бироз бузилган бўлса-да, Зя чалғимасликка, пулларни охиригача санашга қарор қилди.

Бу орада яна бир одам — кекса эркак киши ғилай кўзларини Зяга тикди ва ҳатто нарироқда тўхтаб қараб турди. Маргарита, гарчи ҳисобдан адашмаган бўлсада, асабийлаша бошлади. 73,74... аммо бу, барибир, жуда ажойиб ҳиссиёт, у анчадан буён бундай ҳолатни бошидан кечирмаганди. Гўё мусибатлари аригандай, яқингинада бўлиб ўтган қўйди-чиқди можаролари гуриллаган трамвайдай ғизиллаб ўтди-кетди, ёлғизлик чекинди, молиявий муаммолар барҳам топди... 113,114... афтидан, майдончада яна кимдир пайдо бўлган кўринади, йўқ, икки ё уч киши, лекин чалғимаслик керак, бўлмаса яна қайта санашга тўғри келади... 155,156... хўш, нега энди ҳаммаси унга кўз тикиб қолишди... 188,189...

Майдончага тўпланган одамлар ҳайрон бўлиб бир-бирларига қарашарди.

«Балки хорижликдир, лекин ўхшамайди», — ўйлади бекорчилардан бири.

«Полицияга хабар бериш керак, бундай бир даста нақд пулни қўлда ушлаб туриш жудаям шубҳали», — деган фикр ўтди иккинчи йўловчининг хаёлидан.

«Долларлар, ҳали бироргасининг белиям қайрилмаган, бокира! Менда бўлсайди шунча пул, дарров ишлатиб юборардим», — орзу қилди яна бир гувоҳ бўлиб турган аёл.

Кутилмаганда шу атрофда ўйнаётган бола итқитган копток Маргаританинг елкасига тегди. Бу энди қуюшқондан чиқиш билан баробар эди. Қанақа одамлар ўзи, жамоат жойида болаларига қарашмайдиям!

Бу кетишда ҳисобдан адашиш ҳеч гапмас... 223, 224... Зя барибир санаш маромини бузмади, ўзининг эзгу тилагига айланган машғулотини бир нафасга бўлсин тўхтатмади.

Энди майдончада ит пайдо бўлди. Итга, афтидан, янги юз долларлик қоғозларнинг ҳиди ёқиб қолди шекилли, узун тумшуғини чўзиб пулга яқинлаша бошлади. Маргарита жониворларни яхши кўрарди, у ҳатто итлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятининг фаолларидан эди. Лекин бу кўппакнинг ўзини тутиши ғирт бемаъни, ёввойиларга хос. Эгаси қаерда бунинг, қаёққа қараяпти? Бизда фақат итларга ҳақ-ҳуқуқ берилмаганку. Кет... 258, 259... қани кет бу ердан, илтимос... 265, 266...

Озгина қолди, мана ҳозир охирига етади — Маргарита санашни якунлайди ва ... бир неча сония кўзларини чирт юмади, лаззатли лаҳзаларни имкон қадар чўзади. Ана шу ҳисни ёдда сақлаб қолиш керак, бу бир умрга татийди.

— Кечирасиз, сизга бунинг бари ғалати туюлмаяптими? — Зяга мурожат қилди шляпали қария. Сирли ҳисобчининг жавобини кутиб атрофдагилар жонланишди.

Маргаританинг чолга қайрилиб қарашга ҳам имкони йўқ эди, у шундай мароқли машғулотнинг якунига етай деб турибди! 276, 277... Нега бунақа? Олдин санаганида 276та эди, ҳозир битта қоғоз пулга кўп чиқди? Бундай бўлиши мумкин эмас! Бу одамларга ўзи нима керак, сурбетлар, ҳаммасини чалкаштириб юборишди. Ўзларининг иши билан шуғулланишса-чи! Маргарита, зўр ҳузур-ҳаловат туйган бўлса-да, барибир қаттиқ хафа эди.

Нима қилиш керак? Пулларни шу ерга ташлаб кетаверсинми ёки ҳар ҳолда, полиция маҳкамасига олиб боргани маъқулми? Э, йўқ! Икки бор қайта санаганда икки хил чиқиб турибди-ю, қандай қилиб олиб боради? Қолаверса, бу ғаройиб қоғозчаларни яна бир марта мазза қилиб санагиси келаётир.

Маргарита 233га етганда, бекорчилардан бирининг чақириғига биноан полициячи етиб келди. 247га келганда эса у ишлаётган мактаб директори ҳам пайдо бўлди. Сотқинлар! Дарров етказишибди-да! Ҳаммаси бўлиб унинг атрофида 15тача одам тўпланди.

278! Э, бу нимаси, яна хато санадими? Маргаританинг таъби жуда хира бўлди. Ҳаётида бунақаси ҳали бўлмаганди. Э, жин урсин бу одамларни, қуриб кетсин мактабиям! Долларлар, яп-янги, юпқа, мўртгина долларлар ўзларини қайта санашни ўтиниб сўрашарди. Зя ҳам айнан шуни хоҳларди. Рад этиб бўлармиди? 1, 2... Кетинглар, тегманглар менга... 28, 29... Полиция! Одамлар! Мени тинч қўйинглар... 65, 66... Мендан нима истайсизлар? Бу менинг пулларим, йўқ бу сизнинг пулингиз эмас... 133, 134... Касал эмасман, менга шифокорларнинг кераги йўқ, боғламанглар мени, мен ҳозир мактабга бориб, болаларга дарс бераман, мен округдаги энг яхши математика ўқитувчисиман... 168, 169... Мен адвокат талаб қиламан, қадримни, эркимни, ҳақ-ҳуқуқларимнинг ҳимоясини талаб қиламан... Қўлингизни тортинг мендан... 201... Бермайман, йўқ!.. 246, 247... Қўйиб юборинглар, бўғманглар мени, нафас ололмаяпман... 262... Мен ўлаяпман, э худо, ҳушдан кетаяпман... хайр... 278, 279... Э, йўқ, бу сафар ҳам бошқача чиқди, яна тўғри келмади...Қайта санаш керак, ҳозироқ... 1, 2... оҳ, бу қандай ҳузур...

Кундузи боғда бирор кимса кўринмади. Одамлар аллақачон ўз ишларига тарқаб кетишганди. Бироқ шу атрофда безовталаниб юрган ит бир ниманинг ҳидини олди, кейин иккита юздолларлик пулни топди, нималарнидир эслай бошлади ва... санашга тушди... 1, 2... йўқ... 2, 1... йўқ...

**Рус тилидан**
**Алишер ОТАБОЕВ**
**таржимаси**

Холдор ВУЛҚОН

# МЕН ЯШАЙ ОЛМАДИМ ДУНЁДА СЕНСИЗ



*ТАЗАРРУ*

*Мен осмонни иккиқат дебман,*
*Кечиринглар, еттиқат экан.*
*Санчилар, деб булутлар қўрқар,*
*Иягимда ўстирсам тикан.*
*Кечиринглар, менинг кўзимга,*
*Кўринибди мисоли безак.*
*Сигирларнинг нодир асари,*
*Атиргулга ўхшаган тезак.*
*Узр, писанд этмаган бўлсам,*
*Назокатли кимсалар дидин.*
*Устин қўйиб Фаранг мушкидан*
*Даладаги бурганлар ҳидин.*
*Маъзур тутинг, ўхшаса агар,*
*Бармоқларим семиз қуртларга*
*Ва кузатсам сиздан берухсат,*
*Турналарни олис юртларга,*
*Узр, одам ҳисоблаб сизни,*
*Борган бўлсам баъзан топиниб.*
*Хайр энди, вақт кеч бўлди,*
*Мен ухлайин ерни ёпиниб.*

*МЕВАЛАР*

*Сарғайиб пишган беҳи мевалари,*
*Одамзод муштига ўхшасаю*
*Уларни кимлардир еса, билгинки,*
*Муштлар ҳам одамнинг*
*Пишиб етилган*
*Мевалари эрур шубҳасиз.*
*Демак, уларни ҳам*
*Қачондир, кимлардир ейиши керак!*

*ЁЗ ОҚШОМИ*

*Олови тортилган ўчоқдай дунё,*
*Оқшом қашшоқ эмас товушларга бой.*
*Ҳадемай ёришар ойдин сукунат,*
*Ёришар кимсасиз овоз етмас жой.*
*Ҳайратдан ағрайиб қолади гуллар,*
*Руҳимга бахш этиб ҳаловат, ҳузур.*
*Гулни ағрайтириб қўйгани учун*
*Ой сўраб ўтирмас биздардан узр.*
*Цирк гумбазига ўхшайди осмон,*
*Бунда ҳаво, хаёл, томоша текин.*
*Ғамлари ухлаган мудроқ дунёда,*
*Мен сени соғина бошлайман секин.*

*САДОҚАТЛИ ЧИРИЛДОҚ*

*Оқшом. Дала ҳовли, ўйга чўмасан,*
*Хонанг деразасин боғларга очиб.*
*Мен-чи киприк қоқмай тураверaman,*
*Эринг келганда ҳам кетмайман қочиб.*
*Эсингдами, сени фироқ ўтида*
*Куйдириб бир замон кетгандим ўлиб.*
*Мана, тағин қайтиб келдим ёнингга,*
*Қайтадан тирилиб, чирилдоқ бўлиб.*
*Ҳовлингда бунча кўп бўлмаса гуллар*
*Ё бугун байраммми? Гуллар сайлими?*
*Севгилим, шу гуллар очилиб ётган*
*Ҳовлингда чириллаб юрсам майлими?*

*ТОШБИТИК*

*Фақат осмон билан тирикмас инсон,*
*Яшаб бўлмайди-ку қадрдон ерсиз.*
*«Яшаса бўлади», дейишинг мумкин,*
*Ғарлар яшагандай жаҳонда эрсиз,*
*Яшаб бўлар, дерсан қуёшсиз ҳатто,*
*Ойдин далаларсиз, тумансиз, қорсиз.*
*Ватансиз ва Эрксиз, тутқун қул бўлиб,*
*Яшаш ҳам мумкиндир ғурурсиз, орсиз.*
*Ҳатто худосиз ҳам яшаш мумкиндир,*
*Яшашинг мумкиндир оламда менсиз.*
*Қабртошим муштлаб қарғама, чунки*
*Мен яшай олмадим дунёда сенсиз.*

*КАНГЛУМ*

*(Икром Отамуродга)*

*Кўнглим чўкиб кетган*
*Қўҳна гўр каби.*
*Уни кўтаролмас*
*Энди ҳеч кимса.*
*Ана, кўнглимга йўл топмоқчи бўлган*
*Ёвларни ортидан эргаштирганча*
*Шошиб келаётир сотқин эҳтиёж.*
*Нега ўлдирмадим эҳтиёжимни?*
*Нега ўлдирмадим?! —, дедиму,*
*Ўт қўйдим жар узра лапанглаб турган*
*Кўнглимнинг омонат кўприкларига.*

*ҚИЗҒАНИШ*

*Ўша баҳор ҳамон ёдимда,*
*Гуллаган ўриклар ортидан чиқиб*
*Ҳовлимизга мўраловди*
*Кўкраклари диркиллаган,*
*Оппоқ ва Момиқ,*
*Қип-яланғоч, ҳаёсиз булут.*
*Хотинимнинг*
*Рашки келган эди шунга ҳам.*

# 100 000 СЎМ ЎЗИМИЗГА ҚОЛДИ, ҲОЗИРЧА...

*Газетамизнинг ўтган жума сонида эълон қилинган саккиз саволга, афсуски, тўла ва тўғри жавоб топганлар бўлмади. Мукофот пулига асосий даъвогарлар 3-4 та саволдан нарига ўта олмадилар. Телефонлар ҳамон жиринглаб турибди, аммо тўғри жавобларни топиш бироз мушкуллик қилди чоғи, ғолибни аниқлаб унга ваъда қилинган юз минг сўмни жўната олмадик.*

**Тўғри жавоблар қуйидагича эди: 1. Сўфизода. 2. Учқўрғон. 3. Ҳозирги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг собиқ фотомухбири Абдусаттор Тўраев. 4. Зооветеринария техникуми талабалари томонидан чиқарилган «Қирқимчи» газетаси. 5. Америка Қўшма штатларида истиқомат қилаётган 86 ёшли миллатдошимиз Аҳмад Эртакун. 6. Иззат Султон. 7. Нормурод Нарзуллаев. 8. Усмон Азимов.**

*Кўплаб газетхонларимизнинг илтимосларига биноан, бироз юмшатилган навбатдаги саккиз савол газетамизнинг келгуси сонида эълон қилинади. Юз минг сўм, ҳарқалай, ёмон пул эмас. Омадингизни синаб кўринг!*

Сабоқ

# ИСТИҲОЛА

## ёки андишали адиблар ўгитлари



Хусусий студияларнинг маҳсулотлари бир-бирига ўхшашлиги, фикран саёзлиги, кинематографик маданияти пастлиги билан кўпчиликни ташвишга солаётгани табиий бир ҳол. Айрим ўринларда матбуотдек юксак минбардан шу каби «асарлар»ни қўллаб-қувватловчи фикрлар айтилаётгани кишини таажжубга солади. Бундай видеотасмаларнинг режиссураси ва тасвирий воситалари, улардаги ижро ҳамда мусиқий безаклар ҳақида давра суҳбатларида, киночилар бирлашмасининг кенгашларида бафуржа фикр юритишга катта эҳтиёж бор.

Назаримда, гапни сценарийдан — филмнинг адабий пойдеворидан бошлаш керак. Бугун яратилаётган аксар кино «асарлар»ни бадиийлик мезонларига таяниб таҳлил қилсак, яхши манзара пайдо бўлмаслиги аён. Биргина мисол: «Мунис она» ёки «Алвидо» (дастлабки номи «Алвидо, севги») каби тасмаларни ҳамда уларнинг адабий асосини экран драматургиясининг юксак талаблари ҳамда кинематографик талқин, маданият, малакали ижро ва мусиқий ечим каби тушунчаларни ёдда сақлаган ҳолда таҳлил қилишнинг ўзи амри маҳол. Шу боис кинони, унинг кўп сонли томошабинини назарда тутиб, қалам тебратмоқчи бўлганларга ўзбек адиблари ҳамиша андишали бўлганини, истиҳола қилиб, тайёр сценарийларини ҳам студияга олиб бормаганларини, тайёргарликлари бўлмагани боис сценарий ёзишга узоқ тараддуд кўрганлари, сўнгра уни бир-икки эмас, етти-саккиз марта қайта ишлаганликларини эслатиб қўймоқчимиз.

Мирзакалон Исмоилий ҳамда Раҳим Пирмуҳамедовдан эшитган бир ибратли воқеани келтирай.

— Бир куни эшигимиз тақиллади. Очсам Раҳим ака! Машҳур актёр! Эски филмларда кўриб, ғойибона ҳурмат қилиб юрардиму, ўзлари билан учрашмаган эдим, — деб ҳикоя қилган эдилар Мирза ака. — Эски қадрдонлардек кўришдик. Бир пиёла чойдан кейин Раҳим Пирмуҳамедов дардини айтди: «Рол кутавериб чарчадим. Сценарий ёзиб беринг. Ўзим режиссёр сифатида қўяман. Бир нечта ролни — битта ролни эмас — ўйнайман ҳам. Шуни ҳисобга олиб ёзинг».

«Сценарий ёзиш қўлимдан келармикин...», — деб таклифни рад этмоқчи эдим, Раҳим ака далда бердилар: «Урушнинг оғир дамларида ёзган сценарийингиз Наби Ғаниевга маъқул бўлган. У киши жуда талабчан режиссёр эди! «Биз енгамиз»ни қандай ёзган бўлсангиз, янги асарингизни ҳам шу тарзда битинг. Уч-тўрт ой муҳлат сизга!» — деб муддатни ҳам белгилаб қўйдилар.

Ёздим. Ўйлаб қўйган бир сюжетим бор эди. У насрга ҳам, назмга ҳам эмас, томоша санъатига тўғри келар эди. Мен севган актёр тўрт ролни ўйнашини кўзда тутдим. Раҳим аканинг ижросини, имкониятлари чексиз эканлигини билганим сабабли турли ҳолатларга бой эпизодлар эсимга келаверди. «Девонаи ростгўй» деб ном қўйдим. Лекин асар тайёр бўлганда, менга буюртма берган актёр ҳаётдан кўз юмган эди.

— Студияга бермадингизми, сценарийни?

— Йўқ.

— Раҳим Пирмуҳамедовдан бошқа актёр сиз ёзган тўрт образни ярата олишига кўзингиз етмайдими? — сўрадим мен синчковлик билан.

— Эҳтимол, Наби Раҳимов ўйнай олар. Студияга нима деб олиб бораман. Романим қанчалик ўзимга қадрли бўлса, «Девонаи ростгўй» ҳам шунчалик қадрли. Лекин студиядагиларга ёқадими-йўқми, режиссёр мени Раҳим акадек тушунадими-йўқми буниси мавҳум. Сизга бераман. Хоҳласангиз ўқиб фикрингизни айтарсиз. Дўстларим Наби Ғаниев ва Собир Абдулла ҳақида яхши асарлар яратдингиз. Шунинг учун ҳам сизга ишониб бир нусхадаги сценарийни бераман.

Мирза аканинг сценарийларини ўша куни синчиклаб ўқидим, ўргандим. Менга маъқул бўлди. Агар уни Раҳим ака суратга олиб, ролларни ўзлари ўйнасалар, актёрнинг шоҳ асарларидан бўлар эди. Бу воқеа, менга қолса, камтарин адиб Мирзакалон Исмоилийнинг инсоний фазилатларига, ижодий устахонасига таъриф ва тавсиф бўлиб хизмат қилади. Бир актёрнинг таклифи билан (студия билан контракт тузишни талаб этмай, олинадиган қалам ҳақида ўйламай!) забардаст адиб сценарий ёзишга киришади. Лекин сценарийни киностудияга топширишни ўзига эп билмайди. Истиҳола қиладими, Р.Пирмуҳамедовга мўлжалланган асарини бошқа актёр-режиссёрга топширишни маъқул кўрмайдими, ҳар қалай, «Девонаи ростгўй» адибнинг шахсий архивида қолиб кетади.

Мирза ака тилга олган шоир ва драматург Собир Абдулла ҳам «Тоҳир ва Зуҳра» сценарийси ёзилиши, экранга кўчирилиши жараёнини тилга олганида, ўзининг хизматлари ҳақида эмас, Наби Ғаниевнинг юксак малакаси, талабчанлиги ҳақида сўзларди. XV аср афсонаси заминида пиеса, спектакл яратган, сценарий ёзилишида ҳам жонбозлик кўрсатган бу адибнинг ҳозирги «Қозоғистон» кинотеатри рўпарасидаги ҳовлиларига борганимда «Тоҳир ва Зуҳра» сценарийси ва филми яратилишида Н.Ғаниев ҳам драматург, ҳам режиссёр, ҳам актёр сифатида иштирок этганини такрор-такрор айтган эди.

— Ёзилиш жараёни қандай кечган? Наби аканинг исм-шарифлари титрда муаллиф, муаллиф-шерик сифатида кўрсатилмаганку, — деб сўрайман.

— Кечалари сценарий ҳақида қизғин мунозара бўларди. Кейин эртага ёзиладиган кадрларни белгилаб олардик. Эрта тонгда чойсиз (баъзан тушлик ҳам насия бўларди), кечгача ўйлаганимизни қоғозга туширар эдик. Наби Ғаниев гоҳ ғазаб билан, гоҳ қўшиқ хиргойи қилиб асар ҳақида бош қотирарди. Бизни ҳам ўзидек тинимсиз ишлатарди. Менинг сценарий ёзишда тажрибасизлигим унга ҳалақит берарди... Урушнинг оғир кунлари шундай санъаткор ёнида қийинчиликларни енгиб «Тоҳир ва Зуҳра» сценарийсини ёзиб тамомладик.

Аҳамият беринг: Н.Ғаниев дўсти Собир Абдуллани кадрлар устида фикрлашга ўргатган. Аввал кадрлар ва уларнинг эпизод ҳажмидаги мажмуаси белгиланган, сўнгра улар сценарийда батафсил таърифланган. Сценарийнавис ҳамда нозик табиатли режиссёр ҳамкорлиги ила шундай йўл ихтиро қилинган.

Абдулла Қодирий ҳам ана шундай ҳамкорлик тарафдори бўлган. У кинони биладиганларга сценарий ёзмоқчи бўлган ўзбек ёзувчиларини «тиркаб» қўйишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаган. «Работ қашқирлари» филмига ёзган тақризида «... ўзбек киносини чин муваффақиятга олиб борадиган нарса мумкин қадар сценарий ёзувчиларни ўзбеклардан етиштириш...» деб оқил сўзларни айтгани маълум. Кейинчалик «Ўткан кунлар»ни экранлаштирган Йўлдош Аъзамовнинг гувоҳлик беришича, адиб сценарий ёзишга ўзини тайёр деб билмаган, кўпроқ актёр бўлмагани боис Отабекни «оқ чодирда» (А.Қодирий ибораси) — кинода — намоён эта олмаслигидан ачиниб юрган.

Қодирий сценарий ёзмаган. Лекин эндиликда биз бу наср устасидан қолган меросга ижод мактаби, жумладан, ёш сценарийнавислар ёзиш маҳоратини ўзлаштириши учун хизмат қиладиган манба сифатида ҳам қараймиз.

Абдулла Қаҳҳорнинг диалог қуриш маҳорати кино аҳлини ҳамиша қизиқтириб келган. Икки филм — «Маҳаллада дув-дув гап» ҳамда «Истиқбол йўли»даги диалогларни худди шу адиб ёзган, таҳрир қилган. Сўнгра адиб тўлиқ метражли кино асарнинг сценарийсини ёзишга киришган. «Синчалак» филмининг титрларида А.Қаҳҳорнинг исм-шарифларини ўқийсиз. Адибнинг Дўрмондаги уйларига борганимда ҳам шу ҳақда фикр билдирилган эди.

— Икки асарингиз — «Шоҳи сўзана» ва «Синчалак» экранга кўчди-ю, оригинал даражасига кўтарилмади. Пиесангиз ҳам, қиссангиз ҳам мазкур сценарийлар ва филмлардан устун туради. Бунинг сабаблари нимада? — деб сўраганимда, Абдулла ака эшик олдида ялтираб турган кўк мотороллерга ишора қилиб, афоризмни эслатадиган жумлаларни айтдилар:

— Сиз мотороллер миниб келибсиз қишлоғимизга. Самолётни бошқариш даъвоингиз бўлмаса керак. Бу гап, аввало, ўзимга тегишли: Нега «Синчалак»ни ўзим сценарийга айлантирмоқчи бўлдим? Мен кинодраматург эмасман-да! Оқибат нима бўлди — кўриб турибсиз. Мен, аввало, ўзимни айблайман. «Шоҳи сўзана»ни москвaликлар сценарий қилишган, озарбойжонлик Н.Бекназаров режиссёр сифатида ижод этмоқчи бўлган... Таажжубланаман холос. Ўзим учун хулоса қилдим — иккинчи марта сценарий ёзмайман. Бу бошқа бир олам экан!

— Икки филмнинг диалогини ёзишингиз жараёни қандай бўлди? — деб савол берганимда Абдулла ака ҳайрон бўлиб менга қарадилар, «Бу йигитча куни кеча рўй берган воқеани қаердан билдийкин», деб ўйлаб қолдилар чамаси.

— Кўп «йўқ» дедим, бўлмади. Хасталигимни ҳам айтиб кўрдим. Шифохонага ҳам боришди. Кўнмаганимнинг сабаби бор. Бир киши сценарий ёзса-да, иккинчиси унинг диалогларини тузса!..

Газетанинг чекланган саҳифасини ҳисобга олиб ҳикоямизни шу ерда тўхтатамиз-да, хулосаларимизни айтамиз: сценарий бўлажак филмнинг экрандаги умри узоқ ёки қисқа бўлишини белгилаб беради. Бир ярим соат давом этадиган заиф филмни 500-600 минг томошабин кўрса, қанча вақт бекор кетганини ҳисоблаб кўринг. Етук адибларимиз бу ҳолни ҳисобга олиб ижод этганлар ёки кинони бир олам билиб, сценарий ёзиш масъулиятини ҳамиша ҳис этганлар. Уларнинг кинодаги фаолияти муайян режиссёр, актёр, ҳатто рассом ва оператор билан боғлиқ бўлган...

**Ҳамидулла АКБАРОВ**

Театр

# САЙҚАЛ ДАВОМ ЭТАДИ

Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг юз йиллиги муносабати билан Ўзбек Миллий академик драма театрида саҳналаштирилган «Адибнинг умри» спектакли томошабинларда ҳам, театр санъати мутахассисларида ҳам катта қизиқиш уйғотгани табиий. Зотан, спектакл ижодкорлари обрў-эътиборли санъаткорлар — Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, режиссёр Валижон Умаров, Ўзбекистон санъат арбоби, рассом Бахтиёр Тўраев ва Миллий театрнинг бир гуруҳ истеъдодли артистлари эканлиги улардан катта санъат асари кутишга асос берди.

## МИЛЛИЙ ТЕАТРИМИЗНИНГ "АДИБНИНГ УМРИ" СПЕКТАКЛИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Ойбек ўз ижоди, буюк инсоний хусусиятлари билан халқимиз қалбига шунчалик сингиб кетганки, унинг сиймоси, бутун борлиғи ўзбекнинг миллий ифода белгиси, рамзи сифатида қабул қилинади. Табиий, Ойбекнинг жонли образини намойиш қилувчи спектакл орзиқиб кутилди. Чўзиб ўтирмасдан айтиб қўяқолайлик, театр бу борада умидни оқлади. Ойбек сиймосини жонлантириш учун ўз сафида муносиб ижрочи топа олди. Қиёфаси китоблардан, тасвирий санъат асарларидан ҳаммага жуда яхши таниш бўлган Шахс сиймосини ишонарли гавдалантириш саҳна санъати учун ўта мураккаб вазифа эканлиги сир эмас. Ғафур Ғулом ибораси билан айтганда, ижодий жамоада ақл билан меҳнат ҳамкорлиги туфайли истеъдодли актёр Фатхулла Маъсудов саҳнада жонли Ойбек бўла олди. Спектакл бошланганидан сўнг артист аста-секинлик билан ўз қаҳрамони хатти-ҳаракатлари, кўз қарашлари, мулоқот услубларини уруғлаш орқали Ойбеклаша боради. Томошабинда ишонч ҳисси мустаҳкамланиб борди ва спектакл ниҳоясида Ф.Маъсудов қаҳрамони касбдоши, биродари, меҳрибон дўсти Ғафур Ғулом билан бирга томоша залига тикилиб турган айнан Ойбек эканлигига шубҳа қолмади.



Спектакл хотимаси томошанинг энг эмоционал, энг бадиий ва мукаммал нуқтаси дейиш мумкин. Томошабин қалбини ларзага соладиган ҳаяжонли воқеа воситасида туғиладиган якуний ҳолат жуда қимматлидир. Ойбекка хиёнат қилган кимса юзтубан бўлиб, кечиришини илтижо қилади. Унинг ҳолатига чидай олмаган хаста Ойбек ўрнидан туриб, елкасидан тутиб турғизар экан, бу ҳолатни кўрган кишининг қалби жунбушга келмай иложи йўқ. Ойбекнинг буюк инсонийлик хислати, одамга ишониши, яхшиланишига умид билан боқишларини Фатхулла Маъсудов қатъият билан намойиш қилади. Ойбекнинг рафиқаси Зарифа образи Лола Элтоева ижодида ёрқин саҳифалардан бирига айланишига ишонамиз. Актриса ижросида жўшқинлик хислатига босиқлик ва мушоҳада сингиб бормоқда.

Чўлпон — Муҳаммадали Абдуқундузовнинг Усмон Азим қаламига мансуб «Кундузсиз кечалар» асаридаги муваффақиятли образларидан бири эди. Бироқ бу спектаклда худди ўша Чўлпонни кўриш кишида таажжуб уйғотади.

Ғафур Ғулом образи Рустам Каримов ижросида спектаклнинг бадиий бойлигига айланиб, унга жон бағишлайдиган бир бўлаги дейиш мумкин. Финал саҳнада хаста Ойбек ёнида ўтириб, ўзининг «Шум бола» қиссасидан парчалар ўқиб, дўсти кўнглини овлашга уриниши ҳаётий, ишонарли бўлиб, томоша залига ҳам илиқлик бағишлайди.

Мэлс образи ёш актёр Шуҳрат Нуралиев ижодида жиддий ютуқдир. Кўпроқ комик жанрдаги ролларни ижро этиб келган Шуҳрат Нуралиев сиёсий интриган, шафқатсиз кимса образини ниҳоятда ишонарли яратган. Аммо бу бир ёқлама кўринади. Актёр ўз ижрочилик бисотидаги юмор имкониятларидан тўла фойдаланганида, мазкур образ янада бойиган бўларди.

Шундай мулоҳазани истеъдодли актёр Абдураим Абдуваҳобов ижро этаётган Кабулов образига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Одамни ютворадигандай хонада баҳайбат стол юқорисида, оқподшо замонасини эслатадиган креслога чўкиб ўтирган бақ-бақалоқ, пак-пакана терговчи — А.Абдуваҳобов саҳнаси ҳам «қора юмор» билан йўғрилса, бутун саҳна жонланармиди? Қизил империя бошқарув системасига хос маккорлик очиқдан очиқ дўқпўписа билан характерланмайди. Бу рол матни ҳам муаллифдан бойитилишини кутади, чамамда.

Абдулла Қодирий образи ўзбек китобхонига жуда яқин ва таниш бўлган қиёфани эслатмайди. Рол матнида ёзувчига хос теранликни ҳис этиш қийин. Умуман, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Саидносир ва Ойбек иштирок этадиган биринчи саҳнада буюкларнинг мулоҳазалари яланғоч жумлалардан ташкил топганлиги боис мураккаб, фожеали давр зиёлиларининг табиатларини тўла очиб беролмайди. Уларнинг тақдири, дунёқараши, турмуш тарзи айрим пиесаларимизда кўрсатилаётганидан кўра мураккаброқ деб ўйлайман.

Шунинг учун яқин тарихимиздаги воқеаларда фаол иштирок этган, шу жумладан, қатағонга дучор бўлган ижодкорлар хусусида таҳлилларга нуқта қўйилди, дейиш қийин. Мэлс сингари ишларни қилган, аммо фош қилинмаган кимсалар ҳали ҳам топилса керак. Бироқ улар ўзларини худди саҳнадаги Мэлс сингари тутганларида аллақачон ошкор бўлган бўлар эдилар. Демак, ҳамма гап система, унинг малайларининг маккорлигида. Адабиёт ва санъат, айниқса, театр бир қарашда кимлигини пайқаш мушкул образлар воситасида иш юритса, ўз мақомига мос келади, деб ўйлайман. Шу жиҳатдан Ойбекка бағишланган спектакл яратиш ниҳоятда мураккаб вазифа эканлиги кўриниб турибди. Пиесадаги Мэлс, Сафар, Зоҳид, Иванов, Кабулов каби образларнинг реал воқеликда прототиплари мавжуд бўлган. Бошқа персонажлар, яъни Абдулла Қодирий, Чўлпон, Саиднosир (Ойбекнинг қайнотаси), Зарифа, Ботирлар ўз номлари билан аталганлар.

Муаллиф ижобий қаҳрамонларни ўз исми-шарифи билан бериб, Ойбекка қаршиларни тўқима номлар билан атаган экан, бу марҳамат Ботирга ҳам кўрсатилса дуруст бўлар эди.

Пиесанинг сюжети Ойбек уй-музейида у билан мулоқотда бўлганларнинг хотира лавҳалари асосига қурилган. Шу лавҳалардан бири, Ёзувчилар уюшмасидаги мажлисга тайёргарлик саҳнаси ҳам «Кундузсиз кечалар»даги мажлисни эслатувчи «агиттеатр» саҳналарига ўхшаб қолган.

«Адибнинг умри» спектаклида Ойбек, Ғафур Ғулом, Зарифа образларидаги бадиийлик, ажойиб топилма ҳисобланувчи якуний саҳна спектаклдаги ечимини ҳали топмаган образлардан, саҳналардан устунлик қилади. Қисқа муддатда спектаклдан спектаклга амалга оширилаётган тузатишлар ижодий изланишлар тўхтамайди, асар сайқал топишда давом этади, деб ўйлашга имкон беради. «Навоий» романи билан буюк аждодимизга ҳайкал тиклаган Ойбек ўзи ҳам Навоий сингари ардоқли. Унга бағишланган саҳнавий асар ҳам «Алишер Навоий» спектакли даражасига чиқиши зарур.

Ҳозирча, спектаклнинг умумий руҳи мароқсиз ҳикояни эслатади. Саҳнама-саҳна қизиқишни орттириб борадиган сюжет ипи йўқ. Хотира-хроника асосига қурилган спектаклда ҳам қандайдир ички боғланиш зарурияти сезилиб турибди. Асар бошланганидан то охирига қадар тушкун кайфият тасвирнинг ягона ифода воситасидек кўринади. Ваҳоланки, адибнинг умри фақат ғам-ғусса билан ўтган деган тасаввур хато. Ойбек XX аср ўзбек маънавиятининг буюк намояндаси сифатида қувончли дамлар сururини ҳам сурган. Асарларининг миллионлаб нусхаларда чоп этилиши, китобхонларининг меҳри, давлат арбоби сифатидаги фаолияти, жаҳоннинг улуғ мутафаккирлари билан дўстона яқинликлар адиб ҳаётини безаб турган саҳифалар бўлганлиги шубҳасиз.

Спектаклда эса истеъдодли рассом Бахтиёр Тўраев сервоқеа, сержило ҳаётни гавдалантирувчи, мазмундор декоратив муҳит ўрнига, нимқоронғиликка чўмган, ғам босиб кетган муҳитни тақдим этганки, буни тушуниш қийин.

Спектаклда аста-секинлик билан амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар шуни кўрсатяптики, истеъдодли драматург, режиссёр, рассом ва актёрлар ижодий изланишларини тўхтатмайдилар, «Адибнинг умри» спектакли Миллий театрнинг ўлмас бадиий саҳифаларидан бирига айланади, деб ишонамиз.

**Тоир ИСЛОМОВ**

Ёднома

# КУЙЛАР ЭДИ МИСОЛИ БУЛБУЛ



Табиат кимгадир тиниқ булоқдек отилиб чиқадиган овоз берган бўлса, у бахтлидир. Расулқори Мамадалиев, Комилжон Отаниёзов, Таваккал Қодиров, Отажон Худойшукуровлар куйлашганда, ким ҳузур қилмас эди, дейсиз.

Ана шундай хонандаларимиздан бири, Ўзбекистон халқ ҳофизи Одилжон Юсупов 1928 йили Андижон вилояти, Хўжаобод қишлоғида, деҳқон Юсуфжон ака хонадонида таваллуд топди. Болаликдан куй-қўшиқ шайдоси бўлиб улғайган Одилжон мактабни тугатгач, бирор созни яхшилаб ўрганишни ният қилди. Ана шу нияти йўлдош бўлиб, тақдир уни устоз санъаткорлар билан учраштирди. Санъатга меҳр-муҳаббат туфайли қашқар рубобини қунт билан ўрганди. Кейин соз чалиб туриб қўшиқ куйлаш йўлларини, мақом ва катта ашулалар ижро этишни машқ қилди. Аста-секин куйлаш машқини эгаллаган Одилжон устозлари билан Хўжаободда ўтадиган халқ сайилларида қатнаша бошлади. Ўзи яшаётган жамоа хўжалигидаги турли кечалар, тадбирлар ҳам унинг иштирокисиз ўтмайдиган бўлиб қолди. Энди уни Андижонда ўзига яраша ёш хонанда сифатида танийдиган бўлишди.

Ҳамнафаси Набижон Сойназаров ҳамда устозлари билан Москва, Париж, Женева, Рим, София, Олмаота шаҳарларида бўлишди. Самарқанд ҳамда Фарғона каби шаҳар ва вилоятларда мумтоз ашулалар куйлаб, қўшиқ шайдоларини хушнуд этдилар. Улар қаерда танловда қатнашишмасин, ҳамиша ҳакамларнинг юксак баҳоларига сазовор бўлдилар. Одилжон акага берилган бундай баҳолар унинг санъатига, мукаммал қўшиқларига берилган муносиб мукофотлардир.

Одилжон ака ҳаёт билан ҳамнафас одим ташлар, камсуқум, камтарин, ширинсўз инсон эди. Бу одам маҳаллада ёш оилаларнинг маслаҳатгўйи сифатида ҳам ҳурматга сазовор бўлди, ўзи яшаётган жамоа хўжалигига қарашли маданият уйида кўплаб ёшларга мусиқа ва қўшиқ сирларини ўргатди. Айниқса, балиқчилик Муҳаммаджон ва Минаввархон Чаваровлар, Маҳмуджон Шокиров, Эргаш Омонов, Рустам Ғофуров ва бошқа қатор ёш санъаткорлар раҳматли устозлари Одилжон аканинг ёнида парвона, ўгитларини жон қулоқлари билан тинглар эдилар. Ҳа, Одилжон ака ўзи тарбиялаган бир неча шогирдлари билан, у ҳақда яратилган телефилмдаги қўшиқлари билан бугун барҳаёт. Раҳматли Одилжон ака ижросидаги «Айлансун қулинг», «Азизлар, розиман», «Ёр келиб кет», «Йўқотганман», «Келдик», «Қаландари чапандоз» ҳамда «Ҳар одами» каби қўшиқлар ойнаи жаҳон орқали кўрсатилиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлган эди. Унинг аксарият қўшиқлари «Олтин мерос»нинг олтин фондида сақланади.

Одилжон Юсупов анъанавий қўшиқчиликни ривожлантиришдаги катта хизматлари учун 1990 йили «Ўзбекистон халқ ҳофизи» деган юксак унвонга сазовор бўлган.

Мен Одилжон аканинг санъатига, қўшиғига, бетакрор овозига кўп бор қойил қолганман. Назарбекда яшаган қўшнайчи Режамат Нишонов ўғлининг никоҳ тўйида соҳир овозли хонанда Эргаш ака билан Одилжон ака «Келин келди» ва «Тўйлар муборак» қўшиғини бирга айтишди, Одилжон ака ашуланинг авжига чиққанда ҳамма ёқни ҳайқириқ босиб кетди, олқишлар устига олқишлар ёғилди. Одил аканинг овози микрофонни зириллатиб юборди. Шу тўйда иштирок этаётган Шерали Жўраев сўрига чиқиб, Одилжон акани маҳкам қучоқлаб олди. Ана ҳурмату, ана иззат. Шу-шу назарбекликлар оташнафас хонанда Одилжон акани ҳамон қўмсашади. Оллоҳ назари тушган бу катта ҳофиз ўзининг бетакрор булбул мисол хониши билан қўшиқ шинавандалари қалбини забт этиб кетди.

**Абдулла ТОЛИПОВ,**
**меҳнат фахрийси, кекса созанда**

Маданий ҳаёт

Куни кеча Ўзбек Миллий академик драма театри кичик саҳнасида Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш ёки ўқимаган боланинг ҳоли» номли асари асосида спектакл намойиши бўлиб ўтди.

Асарда XX асрнинг бошларида Туркистонда жадидчилик ҳаракати, театр ривожи, янги очилган мактабнинг, ўз боласини ўқитмаган бой ва ўқимаган боланинг аҳволи ҳақидаги воқеалар ҳикоя қилинади.

Спектакл санъати институти дипломанти Жўрабек Рўзметов, саҳнага олиб чиққан рассом Флюра Газизова, мусиқа муаллифи Нурбек Маҳмудовлардир.

Асосий ролларни театрнинг ёш актёрлари ижро этишган.

**Санжар КУМУШЕВ**

Танишув

# ЗУБАЙДАНИНГ ОЙДИН ОРЗУЛАРИ



Яқинда Ўзбек Миллий академик театрида машҳур ҳофизларимиз Ортиқ Отажонов ва Маъмуржон Тўхтасиновлар иштирокида қизиқарли концерт бўлиб ўтди. Кечада Маъмуржон аканинг қўшиқларига ёш раққоса товусдек хиром айлаганда томошабинлар беихтиёр «Мукаррам опага ўхшар эканми, ёшлигининг худди ўзи», дея раққосани қарсаклар билан олқишладилар.

Зубайда Фарғона вилоятининг гўзал гўшаси — Тоғлик маҳалласида туғилиб ўсди. Онаси Ҳалимахон Тожибоева тумандаги «Райҳон» ансамблининг яккахон қўшиқчиси. Онасининг санъат билан узвий боғлиқлиги Зубайдани ҳам четлаб ўтмади. Ансамблда ижро этилаётган рақслар Зубайданинг мурғак қалбини бир умрга чулғаб олди. Мактабда Саломат опа Ёқубовадан рақснинг илк ҳаракатларини ўрганган бўлса, Фарғона санъат билим юртида Набижон Раҳимовдан рақс сирларини қунт билан ўрганди. Меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги сабаб, қисқа фурсатда йигирмадан ортиқ миллий рақсларни маромига етказиб ижро этишни ўзлаштирди. Ҳозирги кунда Зубайда Тожибоева Фарғона давлат академик ва халқ жамоасида раққоса сифатида фаолият кўрсатяпти.

2003 йили Зубайдага омад кулиб боқди. У Мукаррам Турғунбоева хотирасига бағишлаб ўтказилган танловда Фарғона вилояти бўйича биринчи, республикамизда эса иккинчи ўринни қўлга киритди.

— Оиламизда ҳамма санъатни жондили билан яхши кўришади, — дейди Зубайда. — Айниқса, отам менинг рақсга бўлган қизиқишимни тўғри тушуниб, ўзлари ўқишимга бош бўлдилар. Мен ҳам ўз ўрнида отамнинг ишончини оқлаш учун ҳаракат қилаяпман.

— **Айтинг-чи, Зубайдахон, бошқа миллат рақсларини ҳам бемалол ижро эта оласизми?**

— Арабчадан бошқа ҳамма рақсларга туша оламан. Ҳайрон бўлишингиз табиий. Аслида арабчага меъёрида рақсга туша оламану, лекин ўзимга эп кўрмайман. Сабаби, миллий рақсларимизни қойиллатиб ижро этиш маҳоратини эгаллашни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман. Қолаверса, миллий либосларимизни ярим-яланғоч кийимларга алмаштиришни истамайман.

— **Раққоса кўзи билан қараганда ойнаи жаҳон орқали, катта томошаларда намойиш этилаётган рақслар сизда қандай таассурот қолдиради?**

— Тўғриси, ойнаи жаҳон орқали берилаётган концертларда меъёр бузилган ҳолда ўйналаётган бачкана рақслар жуда кўпайиб кетди. Қирқилган сочлари ёйиқ, бели очиқ, шим кийиб ҳам рақсга тушадими? Худди кўчадан келиб, саҳнага чиқиб қолгандай. Рақс санъатининг ўзига хос мактаблари, ижро йўллари, қоидалари бор. Билса-билмаса, турли бачкана ҳаракатлардан иборат томошани рақс деб бўлмайди. Ўзбек миллий рақсларимизни дунёга танитган Тамарахоним, Мукаррамхонимларнинг руҳини ҳурмат қилсак бўларди.

Аслида миллий рақсларни мукаммал ўрганиш осон иш эмас. Рақс оламининг ўзига хос машаққатли йўлини фақат меҳнат билан босиб ўтиш кераклигини яхши тушунаман. Машҳур санъаткор Мукаррам Турғунбоевадек раққоса бўлиш орзуим бор.

Зубайданинг орзулари амалга ошиши йўлида унга омад тилаб, рақс оламининг осмонида оққуш каби парвоз қилишини истаб қоламиз.

**САРВАРА**

Маданий ҳаёт

## ДИПЛОМ ИШЛАРИ ТАҚДИМОТИ

Куни кеча Ўзбекистон Бадиий академияси, Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ҳамда замонавий санъат маркази ҳамкорлигида институтнинг бакалавр ва магистратура босқичини битирган талабаларнинг диплом ишлари тақдимоти бўлиб ўтди. Битирувчи талабаларнинг кўргазмага қўйилган ижодий ишлари кўпчиликнинг диққатини тортди. Юзга яқин бу ишларнинг аксарияти тарихий жанрда ишланган. Шунингдек, маиший мавзуда, айниқса, портрет жанрида ишланган асарлар, сопол буюмлар ҳам анчагина.

Тадбирда Бадиий академия раиси Т.Қўзиев Бадиий кўргазмалар дирекцияси раҳбари, Ўзбекистон халқ рассоми Собиджон Раҳматов ва институт ректори У.Қорабоев сўзга чиқиб битирувчиларни самимий қутладилар.

**Ш.СУЮНОВА**

